

УОЎТ:635.64

**ЧЕРРИ ПОМИДОР НАВ НАМУНАЛАРИНИ ИССИҚХОНАДА
ЕТИШТИРИШДА ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

Egamberdiyev Sobir Yoʻldoshevich
Toshkent davlat agrar universiteti (PhD)

Annatotsiya: *Ushbu* maqolada Марварид навига нисбатан Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки, Диковинка, Медовый каскад, Красные бусы ва Балконный желтый F₁ нав намуналари 14-55 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги ва ҳосил сифати яхши эканлиги аниқланди. Гуливер ва Quality seed навлари эса стандартга нисбатан 43-35 фоиз кам товарбоп ҳосил берганлиги ekanligi keltirib oʻtilgan.

Kalit soʻzlari: *cherri, pomidor, issiqxona, fotosintez, harorat, namlik, nav, navmunalar tanlash,*

Kirish Bugungi kunda cherri pomidor yetishtirish hajmini koʻpaytirishga talab ortib bormoqda. Shu bois qishloq xoʻjaligi rivojlangan Yevropa mamlakatlari, AQSH, Isroil, Yaponiya, Rossiyada cherri tipidagi mevasi kichik (10-20 g), tashqi koʻrinishi chiroyli, qizil, sariq, qora, pushti rangli, mazasi shirin yangi navlarni yaratish va yetishtirishni innovatsion texnologiyalarini qoʻllash boʻyicha koʻplab tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Shunday boʻlsada bugungi kunda issiqxonalarda cherri pomidorni serhosil, kasalliklarga chidamli nav va duragaylarini oʻrganish, ajratish hamda yetishtirishning innovatsion texnologik elementlarini ishlab chiqish, takomillashtirish hamda tan narhini kamaytirish muxim hisoblanadi.

Tadqiqotning maqsadi Pomidorni issiqxonalarda cherri tipidagi nav namunalari yetishtirish texnologik elementlarini ilmiy asoslashdan iborat.

Tadqiqot vazifalari quyidagilardan iborat:

cherri pomidorni issiqxonalarda nav namunalari qimmatli xoʻjalik belgilari (tezpisharligi, kasalliklarga chidamliligi, hosildorligi, meva sifati) boʻyicha baholash va istiqbolli navlarni ajratish;

Tadqiqot obekti: **Tadqiqotning obyekti** sifatida cherri pomidorni 10 ta nav namunalari oʻsimligi va mevalari, 4 ta oʻsishni boshqaruvchi va 1 ta suv tejovchi moddalar va 4 ta ekish usullari xizmat qiladi.

Tadqiqot natijalari Tadqiqot natijalariga kўra, cherri pomidor nav намуналарини ҳосилдорлик кўрсаткичлари аниқланди. Помидорни ҳар бир теримда ҳар бир қайтариқлар бўйича ҳосил торозида тортилиб, товарбоп ва нотовар ҳосилга ажратилди ва ҳисоблаш ишлари олиб борилди. Бунда умумий ҳосил, товарбоп ҳосил ва товарбоп ҳосилнинг улуши, шу билан бирга умумий

ҳосилдан нотовар яъни меваларни деформацияланган, кийшиқ, қўшалоқ, кучли қовурғаланган, чириган ва зарарланганлари ажратилди (1-жадвал).

1-жадвал.


Черри помидор нав намуналарини иссиқхонада етиштиришда
ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2025 й.).

	Нав намуналар	Мева- нинг ўртача вазни, г	Товар- боп ҳосил, кг/м ²	Товар- боп ҳосил улуши, %	Стандарт га нисбатан, %	Дегуста- цион баҳоси, балл
	Марварид- стандарт	22	9,5	92,8	100	9,6
	Медовый каскад	19	12,7	94,1	134	9,8
	Красный сливовидный	16	13,4	93,8	141	9,7
	Красные бусы	10	10,8	92,7	114	9,6
	Диковинка	12	9,7	92,5	102	9,7
	Блек черри	23	14,7	94,2	155	9,7
	Балконное чудо	16	9,5	91,1	100	9,6
	Гуливер	15	5,5	85,4	58	9,2
	Quality seed	43	6,2	86,1	65	9,0
0	1000 N2 помидорки	17	13,3	92,9	140	9,8
1	Балконный желтый F ₁	21	11,0	93,4	116	9,8
	ЭКМФ ₀₅	5,2	1,0			
	Sx, %	2,8	3,8			

Тажрибада помидорни бир квадрат метрдаги ўсимликдан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам ҳисоблаб чиқилди.

Помидор ўсимлиги учун умум қабул қилинган «Широкому унифицированному классификатору СЭВ и международному классификатору СЭВ вида *Lycopersicon esculentum* Mill» (1980) классификаторида ҳосилдорликни стандартга нисбатан гурухланиши (жуда кам - 70% дан паст, кам - 71-90%, ўртача ёки бир хил - 91-105%, юқори - 106-130% ва жуда юқори - 130% дан кўп) бўйича ўрганилган намуналарни тахлили қилсак, умумий ва товарбоп ҳосил микдори бўйича жуда кам гурухга 2 та, ўртача ёки бир хил гурухига стандарт билан 3 та, юқори гурухига 2 та ва жуда юқори гурухига 4 та нав намуналари мос келганлигини кўришимиз мумкин.

Тажрибада товарбоп ҳосил намуналар аро бир биридан фарқланди. Бунда энг юқори товарбоп ҳосил Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Медовый каскад намуналарида бир метр квадратдан 12,7-14,7 кг ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,0-94,2 фоизни ташкил этди. Стандарт навнинг товарбоп ҳосили 9,5 кг ни ташкил этиб, унга яқин, бир хилда ҳосил тўплаган намуналар Диковинка, ва Балконное чудо 9,5-9,7 кг ни ташкил этган.



1-расм. Черри-помидор нав намуналарининг меваси вазни, товарбоп ҳосили ва дегустацион баҳоси.

Тажрибада энг кам ҳосил тўплаган намуналар Гуливер ва Quality seed навлари (5,5-6,2 кг/м²) бўлди ва товарбоп ҳосил улуши 85,4-86,1 фоизни ташкил этди. Тажрибада албатта черри помидор ўсимлигининг турли хил нав намуналарининг биологик хусусиятлари, гуллаши, чангланиши ва ҳосил тўплаш хусусиятлари бир биридан фарқланиши кузатилди.

Xulosa: Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ҳар йили помидорни ҳосили товар ва нотава ҳосилга ажратилди, чунки иссиқхоналарда помидор маҳсулотини товарбоплик хусусияти асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, маҳсулот сифатига баҳо берилади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Авдеев Ю.И. Селекция томатов. – Кишинев: Штиинца, 1982. – 284 с.
2. Алпатьев А.В. Помидоры. М., “Московский рабочий”, - 1981. – 302 с.
3. Арамов М.Х. Эколого-генетические основы селекции томата на устойчивость к патогенном и адаптивную способность. Автореф. дисс....доктора с-х. наук. СПб., 1994.-48 с.

4. Асатова С.С. Влияние регулятора роста тетранила на рост, развитие и урожайность томата и огурца.// Автореф.канд.дисс. Ташкент.ТашГАУ. 1995. С.6-7.
5. Брежнев Д.Д. Томаты. – Л.: Государственное издательство сельскохозяйственной литературы, 1955. – 351 с.
6. Бўриев Х.Ч, Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги. – Тошкент. Меҳнат, 1999. – Б. 16-25.
7. Жуковский П.М. Культурные растения и их сородичи. -3-е изд. Л., «Колос». 1971. - С. 265-272.
8. Колмыкова Т.С. Влияние продолжительности обработки семян регуляторами роста на продуктивность сельскохозяйственных растений. // Автореферат на соискание ученое степени кандидат сельского хозяйственный наук. – Саратов. СГУ, 2002. – 16 С.